Дам олиш саҳифаси

# ОЛАМ, ОДАМ, ОДАТ...

Дам олиш саҳифаси

## ТОЛЕНОМА

**Инсон она табиат фарзанди. Шундай экан ҳар кимнинг феъл-атвори у қай фаслда туғилгани билан алоқадор экан.**



*ҲАМАЛ (март)да туғилганлар. Умид ва орзулар куртак ёзган бўлади, орзуларингиз дарахт япроқлари каби кўпдир. Ҳамиша тинчлик, хотиржамликда яшайсиз. Аммо яхши яшашингиз учун тиришиб меҳнат қилишингиз керак, бирон вақт тиним нималигини билмасдан кун кечирасиз.*

*САВР (апрель)да туғилганлар. Сизга ҳамиша самимийлик ва поклик ҳосдир. Атрофингизда дўстларингиз беҳад бўлади. Ўзгалар учун баъзан жонингизни қурбон қилишга ҳам тайёрсиз. Ўзингизнинг яхши табиатингиз билан доимо хурсандчиликда яшайсиз.*

*ЖАВЗО (май)да туғилганлар. Сиз уйқу ва рўё билан машғулсиз. Ҳаётингизда қийинчиликлар мавжуддир. Лекин ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ эканлигини унутманг. Ҳаётингиз баҳори кутиб турибди.*

*САРАТОН (июн)да туғилганлар. Сизга барвақт ўриндан туриш фойдалидир. Агар шунга одат қилсангиз ҳаётингиз бахтли ва яхши ўтади. Ҳиссиёт, гина (кудурат) одатларини ўзингиздан йироқлаштиринг. Сизнинг буюклигингиз одамларни кечира билишингиздадир. Атрофингизда дўстларингиз кўп бўлади, лекин дунё деб дўстлардан кечмаслигингиз керак.*

*АСАД (июль)да туғилганлар. Кўққисдан бирон кулфат келса, ташвишга тушмаслигингиз керак. Сизнинг инжа дийдорингизни кўришга шайдолар кўп, сизга етишишни ўзларининг шойиста орзулари деб биладилар. Лекин ҳаёт беш кунлик деб асло ўйламанг, кайфу сафога берилманг.*

*СУНБУЛА (август)да туғилганлар. Ҳар бир сўзни ўзингизга олманг, девордай гунг ҳам бўлманг. Инсон улуғдир, қалби ила янада улуғ. Оилангиз сизга таяниб, катта умид билан яшайди. Агар ўзингизга яхшироқ эътибор берсангиз, қанчалар истеъдод соҳиби эканлигингиз намоён бўлади.*

*МЕЗОН (сентябрь) да туғилганлар. Дилингизни азизлар ишқига боғланг. Зеболигингиз ойнадан равшан, ҳар нарсадан гўзаллик изланг. Яшашга ва шижоатга қодирсиз. Сизни катта ғалабалар кутиб турибди. Доимо келажакка интилиб, мағрур яшашингиз керак.*

*АҚРАБ (октябрь)да туғилганлар. Илму донишда шойиста инсонсиз. Илм ўрганишдан зерикманг, зеро илм сизни ёруғлик ва бахт сари элтувчи. Сиз савр ойида туғилганлар билан жуда яқинсиз. Шу ойда туғилганлар билан кўпроқ дўстлашсангиз, сизга ҳамиша омад кулиб боқгусидир.*

*ҚАВС (ноябрь)да туғилганлар. Иродали инсонлигингиз ва жиддийлигингиз сизга кўпинча муваффақият келтиради. Баъзан дўстларингизни арзимас сабаб билан ранжитиб қўйиш одатингиз бор, сўнгра ўзингиздан норози бўлиб юрасиз. Инчунун, пашшадан фил ясаётганингизни сезмайсиз.*

*ЖАДИЙ (декабрь)да туғилганлар. Бахтингиз ва муваффақиятингиз дўстларингизнинг сизга ҳурматидадир. Турмуш ўртоғингиз билан камроқ маслаҳатлашинг. Қийинчиликлардан қўрқманг, бахт-саодат эшиклари очиқ.*

*ДАЛВ (январь)да туғилганлар. Гўёки сизни турмуш ташвишлари қийнаб қўйгандай. Лекин сиз ҳаётга ишонч билан қаранг. Яқинларингиз билан яхши муносабатда бўлинг. Турмуш ўртоғингиз сизга вафодор, уни ўзингиздан узоқлаштирманг. Ширин сўзлаб, унинг қалбини ром айланг, сизга бўлган муҳаббатнинг ортишига ҳаракат қилинг.*

*ҲУТ (февраль)да туғилганлар. Сиз баҳор остонасида дунёга келдингиз. Шунинг учун шодлик ва ғам муштарак бўлишини унутманг. Дўстлар билан суҳбат қуриш сизни шодлик сари етаклайди. Дўстларга ва оила аъзоларингизга суяниб яшашга одатланинг.*

**Дарий тилидаги «Сабун» ойномасидан.**

## ДУНЁДАГИ ТИЛЛАР ҲАҚИДА

**ЮНЕСКОнинг хабар беришича, ер юзида 2 мингга яқин тил ва шевалар бор. Улар орасида энг мураккаблари:**

- Чиппев (Шимолий Америкадаги Миннесота ҳиндилари) тили бўлиб, 6 мингтагача феъл шаклларига эга.
- Хитой тилида 50 мингта иероглиф (ҳарф шакллари) бор.
- Таркиби жиҳатдан энг содда тил гавай тилидир. Унда фақат олтита унли ва бешта унсиз товушлар бор, холос. Шунинг учун ҳам бу тилни ўрганиш ниҳоятда қийин.
- Ер юзида хитой тили энг кўп тарқалган тил ҳисобланади. 700 миллионга яқин киши шу тилда сўзлашади. Инглиз тилида 250 миллиондан кўпроқ, ҳинд ва урду тилларида 280 миллион киши сўзлашади.
- Энг «мулойим» тил Гренландияда яшайдиган эскимослар тили ҳисобланади. Эскимослар сўкиш нималигини умуман билмайдилар.
- Доминика оролида яшайдиган аёллар алоҳида, эркаклар алоҳида тилларда сўзлашадилар.
- Канар оролларидан бири — Лагомерада яшайдиган аҳоли хуштак чалиб гаплашади. Хуштак ёрдамида улар узоқда яшайдиган танишларига айтмоқчи бўлган гапларини етказадилар.
- Дунёда энг кўп тарқалган «А» товушидир. У барча тилларда ҳам бор.
- Римдаги Ватикан кутубхоналарининг бош хазиначиси кардинал Жузеппе Гаспар Мецофанти (1774 — 1849) энг кўп тилларнинг билағони бўлган. У 114 та тил ва 72 та шевадан таржима қилган, 39 та тилда гаплашган, 11 та тилда бемалол суҳбат қурган.
- Копенгаген дорилфунуни профессори Расмус Кристиан Раск (1787 — 1832) 230 та тилда гаплаша олган ва ўнлаб тилларнинг луғати ва грамматикасини тузган.



Уйқу жой танламас.

Даврон АҲМАД сурат-лавҳалари.

## КИМЛИГИНГИЗ ИМЗОИНГИЗДАН МАЪЛУМ

*«Коинотга нигоҳи етган инсон ҳали ўзини тўла-тўкис англаб етмаган», — деган гапдан ранжимаслик керак. Ҳар бир одам шу қадар синоатлар коники, унинг ботиний ва зоҳирий олами кашф этилгани сайин жумбоқлар ҳам кўпаяверади. Саволлар туғилаверади.*

*Туғилажак саволларга жавоб излаш, ўзлигини кўпроқ, тугалроқ англаш йўлида не-не кашфиётлар қилмаган дейсиз, одамзод!*

*Графология — хати орқали феълини аниқлаш ана шундай уринишлардан бири.*

Бир варақ ёзувга кўз ташлаб кишининг ақлий қобилияти, можози, ўжар ё муросасозлиги, тежамли-тежамсизлиги, саришта-сариштасизлиги ҳақида дастлабки хулосалар чиқариш мумкин. Имзо ҳам ёзув. Жажжигина, қисқагина, лўндагина ёзув. Бироқ, уни кишининг феъли, дунёқараши, ички оламини батафсил акс эттирувчи кўзгу дейиш ҳам мумкин. Шу маънода имзони кафтдаги чизиқларга тенг қўйиш мумкин. Кафт — кишининг ўтмиши, ҳис-туйғулари, имкониятлари, ҳатто келажаги акс этган харита бўлса, имзо маънавий-руҳий оламнинг тажассуми.

Одамлар орасидаги ҳар қандай муносабат танишувдан бошланади. Танишувнинг эса чеки йўқ. Қирқ йил бир ёстиққа бош қўйган эр ё хотин бир-бировини тўла билмаса ажабланарли эмас. Лекин имзо янги танишингиз ҳақида бир дунё маълумот берадики, бу, танишув жараёнини енгиллаштиради, рўпарангиздаги ноаён шахснинг аъмолини кўп жиҳатдан аёнлаштиради.

Хизмат юзасидан қамоқхонага кириб шафқатсиз қотилликка қўл урган жиноятчи билан танишишга тўғри келди. Суҳбат асносида ундан қилмишига яраша афсус-надомат, пушаймонлик эшитаман деб ҳарчанд уриндим. Умидларим пучга чиқди. Қотил тавба қилишни хаёлига келтирмади.

— Ўлгудай баттол одам экансиз-е! — деб юбордим ранжиганимни яширмай. Кейин ён дафтаримни унга томон сурдим. — Эсдалик учун имзо қўйинг.

Икки соат давомида не мавзуларда суҳбатлашиб хаёлимга келмаган қўрқув унинг имзосини кўрганда бирдан вужудимни музлатиб юборди. Анчагина гажакдор имзонинг уч жойидан тикка тортилган чизиқ ялонғочланган ханжар тиғидек кўриниб кетди, кўзимга...

Бу — имзони ўқишдаги белгилардан бири. Яъни, тикка чизиқ (унинг кўп-камлиги) кишининг феълида қайсарлик, шафқатсизлик, юмшоқ қилиб айтганда, бир сўзлилик кучли эканидан далолат беради. Ўта қисқа ва содда имзо тўпорилик, жиззакилик, ҳатто руҳий хасталик аломати бўлса, имзонинг узун ва жимжимадорлиги кишининг ўта синчковлигидан, қатъиятлилигидан, инжиқлигидан далолат беради. (Касб тақозосига кўра, масалан, ҳисобчилар, кассирлар имзосининг қисқалиги мустасно ҳолат.)

Бош ҳарфдан сўнг нуқта қўйилган имзолар кўп учрайди. Бу — кишининг мулоҳазакорлигини, бошлаётган ишини охиригача тошу тарозига солиб кўришга одатланганини англатади. Имзонинг ўртасида, аксари охирида келадиган нота калитини эслатувчи шакллар (кўпроқ аёл-қизларда) имзо эгасининг бадиий ижодга — рақс, мусиқа, сураткашлик, шеър ёзиш кабиларга — мойиллигини кўрсатади.

Умуман, имзони ўқишнинг шартлари талайгина. Бу «алифбо»ни ўзлаштирган одам ҳар қандай имзо соҳибининг иқтисодий таъминланганлик даражасини, тежамкорлик, сарамжон-сариштали бобидаги лаёқатини, қандай касб-корга муносиблигини ҳатто такаббур ё камтаринлигини, муғомбир ё соддалигини ва бошқа кўплаб хусусиятларини англаб олишга қийналмайди. Бунинг учун, табиий, доимий машқ қилиб туришга, имзолар тўплашга, уларни қиёсий ўрганишга тўғри келади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, кишиларнинг кийиниши, қадам олиши, қўл олишиб кўришиши, суҳбат чоғидаги ҳатти-ҳаракатлари ҳам ўша одамнинг ўзи истайдими-йўқми, унинг бутун ички дунёсини, ўзлигини кўз-кўз қилиб туради. Шунча манбадан йиғилган ахборот имзода мужассам топган маълумотларга чоғиштирилса, исталган киши ҳақидаги таассуротингиз янаям тугал бўлиши, аниқроғи, тугал бўлишига яқинлашиши имконияти ортади. Зеро, ҳар банда ҳақидаги тугал маълумот ёлғиз Яратган Эгамизга аёндир.

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.**

### ● Бу — қизиқ

#### ТЎТИҚУШЛАР ҚУРБОНИ

Тўтиқушлар боқувчи Мануэль Декостаснинг ўлими фожиали бўлди. У қушхонага кирганда ўзининг амазонка тўтиқушлари бараварига талаб, ўлгунча чўқишди.

Коста-Рикадаги Сан Хосе шаҳри маъмурларининг гапига қараганда 42 ёшли Декостас одатдагидек қушхонани тозаламоқчи бўлган. Декостас сочини бўяган янгича бўёқнинг ҳиди қушларга ёқмаган чамаси. Паррандалар катакка бегона ва хавфли одам кириб қолди деб талашган дея тахмин қилинмоқда.

#### ҚИЗИЛ РАНГ МАН ҚИЛИНГАН

Шри Ланканинг баъзи ҳудудларида қизил ранг ман қилинган.

Жанубий соҳил бўйидаги айрим шаҳарларда қизил рангли кийим киювчиларга жиноий жазо белгиланган, чунки бу ранг бахтсизлик келтиради, деб ҳисобланади.

#### ТИМСОҲ УЧУН ДЎСТИДАН КЕЧДИ

Ҳайвонларни яхши кўрувчи австралиялик Жоури Родес ўзининг қадрдон дўстини отиб ўлдирди, унинг айби — тимсоҳингдан бадбўй ҳид келаяпти, дегани бўлди.

Полициянинг гапларига қараганда, Перт шаҳрилик Родес ва Лео Белден уй орқасида боқилаётган тимсоҳ ҳақида суҳбатлашишарди. Белден дўстига «Тимсоҳинг уйимга жуда яқин жойда, унинг қўланса ҳидига чидаб бўлмаяпти» деб шикоят қилганда, Родес дўстини 38 калибрли тўппонча билан отиб ташлаган.

#### ҚУРБАҚА СУВНИ ҚАНДАЙ ИЧАДИ?

Қурбақанинг сув ичмаслигини кўплар билади. Агар у қуруқликда узоқ сақланса бутун оғирлигининг учдан бир қисмига тенг оғирлигини йўқотади. Бундай қурбақа сувга қўйиб юборилса дарров аввалги ҳолатига қайтади. Зоолог олимлар буни қуйидагича аниқладилар. Чанқаб қолган қурбақани радиоактив изотопли махсус модда аралаштирилган сувга солдилар. Бу модда тери орқали бақа ичига сингиши мумкин эмасди. Тажрибадан кейин қурбақа ошқозонининг радиоактивлик даражасини ўлчаганларида унинг оғзи билан жуда оз миқдорда сув ичганлиги ва асосан сувни териси орқали сингдирилгани маълум бўлди.

#### КИМ КУЧЛИ?

ЕР юзида энг кучли мавжудот фил деб ҳисобланади. У оғирлиги 12-15 тонналик, яъни ўз вазнига нисбатан 3-4 баравар юкларнинг жойини ўзгартира олади. Бироқ бу дунёда ҳамма нарса нисбатдир. Машқ қилган кишилар ҳам оғирлиги 400 килограммли харсангни бемалол сура олади. Бу эса уларнинг вазнига нисбатан 5-6 баравар кўпдир. Шу жиҳати ҳисобга олинадиган бўлса чумолилар бундан ҳам кучлидир. Улар ўз вазнига нисбатан 50 баравар оғир бўлган нарсаларни бемалол тортиб кетаверади. Қўнғизларнинг айрим турлари янада бақувват кўринади. Улар ўзига қараганда 100 баравар оғир юкни ташиб кета олади.

## БУХОРОНИНГ ҚОРАКЎЛИ ҚАДИМИЙМИ?

АКАДЕМИК Яҳё Ғуломов ва қадимшунос Ўткир Исломовлар Қоракўл туманидан 30-40 чақирим жанубий-ғарбда жойлашган Катта ва Кичик Тузконда олиб борган тадқиқотлар натижасида одамларнинг турар-жойлари аниқланган. Чайласимон кўринишдаги маданийлашган уй қолдиқлари бундан 7-8 минг йил илгари бунёд этилган экан. Биз бўлса Бухоро шаҳри икки минг ёшдами ёки бор-йўғи 1400 йил бўлдими, деб баҳслашиб юрибмиз-а. Тарих барибир ўз сирини очади, ахир бу кўҳна Турон...

## БУХОРО ДЕГАНИ НИМА?

Қизиқ-да, ҳар ким ўзи хуш кўрадиган қадим шаҳарлар номи нимани англатишини билишни истайди. Масалан, Бухоро... Оддий уч бўғинли сўз. Атоқли от, лекин соф туркий сўз. Суғдийча «буғ» ёки «бағ» ва «оро» сўзларидан тузилган. «Буғ — Тангри», «оро — сайқал ёки оро бериб» деган маъноларни англатаркан. Хуллас, Бухоро ёки Бухоро — «Тангри сайқаллаган жой» дегани экан. «Буғ» сўзининг ҳам алоқаси бор, аммо, бу ҳақда кейин...

### ● Сирли сонлар

## ТЎҚҚИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Оддийгина 9. Кундалик ҳаётимизда бу сонни жуда кўп ишлатамиз. Лекин ана шу сонларнинг «шоҳи»да ҳам сир борлигини илғаймизми? Йўқ, ҳар доим мўъжизани ташқаридан аллакимлардан излаймиз, Балки, шу сабабдан тўққизни билмаймиз. Бугун шу ҳақда, ҳаётий кузатувларга асосланиб ҳикоя қиламиз.

Тўққизни ёзинг ва ана шу сондан сўнг ҳеч қачон ҳатта сон келмаслигини синаб кўринг, яъни 9870 каби... 9-сонлар «ўрмони»нинг «шоҳи». Тўққизга қайси сонни кўпайтирсангиз ҳам йиғиндини бир-бирига қўшсангиз тўққиз чиқаверади. 9х3=27=2+7=9, 9х5=45=4+5=9...

Шоирлар шеърга солган «ўн саккиз минг олам ошиб...» мисрасидаги бир билан саккизни қўшсангиз ҳам, қўлингизнинг кафтидаги арабча саккиз ва бир сонларини қўшсангиз ҳам 9.

Хўш, ҳаётимизда 9 билан боғлиқ яна қандай жиҳатлар бор. Мисол, учун бир йил 12 ойдан, бир кеча-кундуз 24 соатдан иборат, 12+24=36=3+6=9. Уч билан олтининг тўққизга қандай алоқаси бор дерсиз, афсуски тўққиздан кичик сонларнинг барчаси «шоҳ» учун хизмат қилади, шу туфайли биз ҳам ҳикояни тўққиздан бошладик. Айнан уч билан олтининг йиғиндиси тўққизни кўрсатадиган жиҳатлар инсон умрида жуда ҳам бисёр. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалам жаноблари оламдан ўтганда олтмиш уч ёшда дея давра кўтарилган. Пайғамбаримиз дорилфанодан дорилбақога риҳлат қилганларида олтмиш уч ёшга қадам қўйган. Жумлаи-мўминлар Пайғамбар ёшига етганлик муносабати билан «Пайғамбар тўйи» қиладилар. 63=6+3=9. Худди шунингдек мусулмонлар ҳар йил ўн бир кунда силжиб келувчи «ҳижрий-қамарий» йил ҳисоби бўйича рамазон ойида рўза тутадилар. Мунтазам рўза тутувчи киши 36 йил давомида бутун 12 ойни «кезиб» бўларкан. 36=3+6=9.

Самарқанд шаҳридаги руҳлар масканни «Шоҳи-зинда» номли мақбаралар мажмуи неча-неча замонлардан буён дунё аҳлини ўзига ром этиб келади. Шу жойда Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассалам жанобларининг қариндоши, диний ва дунёвий илмлар соҳиби Қусом ибн Аббос ҳам дафн қилинган. Бу мақбаралар мажмуини улуғ соҳибқирон Амир Темур зоти олийлари қурдирган. Унинг кириш қисмида мўъжизавий зинапоя бор. Зинапоянинг нечталиги хусусида асрлар мобайнида баҳс юритилади. Бировлар 40 та деса, баъзилар 41 та дейди. Шуниси қизиқки, бу сирли зинапоя 36 поғонадан ташкил топган. 36=3+6=9.

Тўққизнинг ўзимизга боғлиқ жойи ҳам борми, яъни яққолроқ кўзга ташланадиган... Яшанг, топдингиз, одам боласи борки, мабодо худо кўрсатмасин чала туғилмаса, роппа-роса тўқиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа, ана борингки тўққиз сонияда дунёга келади. 5 та тўққизни қўшиб 45 ҳосил қиласиз, 4+5=9. Бир кеча-кундуздаги 24 соатни 60 дақиқага кўпайтиринг: 1440=1+4+4=9, ёки ярим кунлик умримизни 12 соат деб олсак ва уни ҳам 60 га кўпайтирсак, 720=7+2 =9 дақиқа чиқади... Қолгани оддий ҳисоб.

Фалакшунослар қуёш тизимида қуёш атрофини турли вақт оралиғида айланиб ўтувчи 9 та сайёра мавжудлигини аллақачон аниқлаганлар. Бу сайёралар ҳақида турли ривоятлар ҳам яратилган. Халқимиз илгаридан бу тўққиз сайёра тўғрисида тушунчага эга бўлганлар. Шунинг учун ҳам Зуҳрога қараб (Меркурий) тонг отганлигини биладилар... Ер курраси қуёш атрофида 365 кунда бир маротаба айланиб чиқиши ҳам барчага маълум. Лекин, нега 3 билан олтини қўшсангиз тўққиз чиқади-ю, беш ортиқча, асло ортиқ эмас, зеро Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир. Бандаларининг кўнглига у ўзи истаганча миқдорда илм солади. Албатта, ҳаракатдан баракат, аммо юқорида айтилган 5 сони — бу беш вақт намоз белгисидур. Қолаверса, ҳар бир йилимиз 4 соат зиёд, бешга 4ни қўшсангиз ҳам... Агар, ўша беш кундаги 24 соатни бир-бирига қўшсангиз 270 (2+7) соат ва дақиқалар эса 7200 дақиқа (7+2) чиқади. Яна ўша ҳисоб-китоб.

Нега, нега бунчалик тўққиз сони буюк? Барча сонлар нега айнан тўққиз учун «мардикор». Инсон қайси ҳайвоннинг гўштини кўп истеъмол қилиб, унинг сути, қатиғи, сариёғини яхши кўради? Сигир ёки «Бақара», Қуръони каримдаги ушбу ном билан аталувчи сурада «Ақлингизни юргизмайсизларми?» (44-оят, «Бақара» сураси) дейилади. Сигир неча ойда туғади???

Хуллас, сизни толиқтирмай, шу ерда хотима ясашга қарор қилдик. Зеро, тўққиз сонларнинг «шоҳи» бўлгани каби инсон ернинг «шоҳи»дир. Барча сонлар тўққизга бўйсунгани каби, ердаги жами нарсалар (тўққиз ҳам) инсонга хизмат қилади. Бироқ, инсон кимга хизмат қилади, ана бу жумбоққа пайғамбарларимиз жуда кўп бора жавоб айтишган. Қуръони Каримни ўқисангиз ўша жавобни топасиз. Биз эса шуни таъкидламоқчимиз, бир-бирингизга фақат яхшиликни ўйланг, яхшиликдан гапиринг, яхшиликни ният қилинг, токи бировга қилмоқчи бўлган ёмонлигингиз сизга қасос бўлиб қайтмагай. Ана энди тана ҳароратингизни ўлчанг. Асбоб мили 36 (3+6=?) даражани кўрсатаётган бўлса, умрингиз ва ризқу насибангиз зиёда бўлсин. 9 борасида гап кўп эди, қисқа баён этдик...

**Тўлқин ЁРҚУЛОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0439. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6